

# **FROM PHYSICAL EDUCATION IN THE SCHOOL OF GENERAL EDUCATION METHODS OF PLANNING EXTRACURRICULAR WORK**

**Abdullayev**

professor of Fergana State University,

**A.Jalalov,**

**B.Asadullaev,**

masters of Fergana State University

**Annotation:** The physical culture of the school of general education (UTMs), the planned implementation of its various activities and mass health-improving activities, creates the opportunity to live a different age of life with the formation of the physical culture of students, their healthy, disease-free biological aging.

**Keywords:** physical education, training, physical culture, education

Жисмоний тарбиядан ўқув ишлари, яъни жисмоний тарбия дарслари ва йигирмага яқин жисмоний тарбиядан синфдан ташқари ишлар(СТИ)нинг машғулотларини турли шаклларини самарали режалаштириш ававалига ўқувчилар, қолаверса, мактаб жисмоний маданиятини такомиллаштириш ва уларга оид мақсадли ва манзилли таълим жараёнининг тизимиға муҳтож ҳамда белгиланган режалар асосида амалга оширишни тақазо этади.

Мустақиллигимизгача режалаштиришга кўп ҳолатларда фақат раҳбар, бошқарувчи органларнинг назоратларидан танқид эшитмаслик учун, текширув хужжатлари сифатида тузилганл. Тузилган режалар белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга юзаки, номигагина бажариладиган фаолиятга айланиб қолгалиги таълим жараёнининг якуний натижаларининг таҳлилида кузатганмиз.

Мазсус адабиётларнинг таҳлили режалаштиришнинг моҳиятига мансуб назарий билимлар, режалаштиришда риоя қилинадиган талаблар, қоидалар, низомлпр мавжудлиги ва ўзининг маҳсус назарий асосларига эга эканлигини кўрсатди.

Соҳа мутаҳасислари, иш юритувчилари, мактаб жисмоний тарбия ўқитувчилари ва мактаб мамурияти ходимлари билан ўтказилган суҳбатлар, “Жисмоний маданият ва спорт вазирлигининг Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутаҳасисларни илмий методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва, малакасини ошириш институти Фарғона филиалининг 2021/2022 ўқув йилининг 40 нафардан ортиқ тингловчилари(респондентлар) билан мулоқатларимиз, 10 га яқин, интеръювлар, 20 дан Фарғона шаҳар УТМ ларининг тажрибали мактаб жисмоний тарбия ўқитувчилари билан мулоқатларимиз муаммога оид илмий анжуманларимизнинг материаллари, режалаштиришни “фетиш”га айланиб колганлига сабаб соҳа мутаҳасисларини тайёрлашда режалаштириш технологияси, унга оид назарий билимларни етарли ўқитилмаганлиги ва амалда уларнинг ижобий томонлари муҳокамаси, ижобий салбий томонларини таҳлили малакалари шакллантирилмаганлигига деб фикр билдирилар.

Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев қабул қилинган фармонлар, хукумат қарорлари ва уларнинг ижроси учун тузилган режаларни мазмуни, уни амалга оширилиши учун олдиндан яратилиши лозим бўлган шарт- шароитлар, режани назорати, ларга зарур бўлган пайтда қилиниши лозим бўлган тузатишларни қилиш, ижрони кучайтиришга мансуб фикрлари бежиз эмас.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 й. 4-мартдаги ПФ – 5368 –сон “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги фармони.

Масалан, мамлакатимизда жимоний маданияти ва спорт мусобақаларини ўтказишни назарда тутиб, спорт турларини ривожлантиришнинг мамлакат, вилоят, шаҳарлар, туманлар кесимида ривожлантириш мақсадида уларни ўтказишнинг *тақвим режасини* шу кун даги режалаштиришнинг наъмунаси сифатида олишимиз мумкин. Уни тахлили корхоналар, ўкув муассасалари ва бошқа ташкилотлар кесимида мусобақалар ташкиллаш, амлга оширишни ўзида мужассамлаштирган, белгиланган максади ва вазифаси аниқ, ўтказилиши муддати, унга маъсуллар, моливий харажатлар ва уларнинг манбааси ва бошқа талабларни ўзида мужассамлаштирган. Бу жараённи самарали кечиши, уни мувофиқ технологиясини танланганлигидан далолатдир.

Жисмоний тарбия таълими жараёнини режалаштиришда юзакиликга йўл қўйиш, номигагина, фақат текширувчиларга тақдим этиш учун керак бўладиган хужжатларни тузиш таълим - тарбия жараёнининг муваффакияти учун хизмат қилмайди, таълим жараёнида ўқитадиганлар билан ўқитиладиганларнинг муносабатларида расмиятчиликни юзага келтиради.

Режалаштириш ўқитувчининг ижодий иши. Мактабнинг шароити, ўкувчила рининг жисмоний ривожланганлиги, таёргарлиги даражаси, олиб борилиши мум кин бўлган спорт-соғломлаштириш, оммавий спорт ишлари, мактабдан ташқари жисмоний маданият муоссалари, ота-оналар билан алоқаларни йўлга қўйиш кенг таълимий, ташкилий жараённинг мазмунини ўзида мужассамлаштиради. Ўкув йили учун жисмоний тарбия таълимини муваффакиятини таъминлайди, соҳа мутахассисига эса режалаштиришга мансуб зарурий касбий билимларга эга бўлиш талабини қўяди.

Такидланиши жоизки, давлат таълим стандарти(ДТС) мазмунида риоя қилиниши тавсия қилнган “... жисмоний маданият фани давлат дастури матери алларини ўқитишнинг ўкув режаларини тузиш, дастур материални механик тақсимоти тарзидаги оддий канцелярия иши эмас” деб ёзади А.Абдуллаев “Жисмоний маданият назарияси ва методикаси” номли соҳа бакаалаврлари ва магистрантлари учун ёзилган дарслигига.<sup>2</sup>

Режалаштириш ўқитувчининг ўтган ўкув йили давомида амлга оширган ўз иш фаолияти ва тўплаган тажрибасини ижодий таҳлили асосида уни назарий ва амалий инновациялар, янги мулоҳазалар билан бойитиб, ўкув йили учун вужудга келган шарт-шароитлардан келиб чиқиб таълим жараёнига лозим бўлган ўзгартиришларни киритиш орқали ўқитиш жараённинг янги лойиҳаларини тузишдан иборат бўлган маъсулятли, маҳсус касбий билим ва амалий малакаларни ўзида мужассамлаштирган фаолиятдир.

Умумий таълим мактабида ўкув ишларини режалаштириш учун ўқитувчи ўкув йилининг бошланишидан аввалроқ тайёргарлигини бошлайди. Соҳанинг инновациялари, зарур ахборотларни тўплайди. Бу маълумотлар ўкув материалини тартибли, самарали ўқитишнинг шакллари ва воситаларини тўғри аниқлаш, танлаш ва фойдаланишда ёрдам беради. -

Режалаштирувчи режалаштиришини бошлишдан олдин мактабнинг жисмоний маданият таълими жараёнига оид қўйида тавсия қилинган маълумотлар, далиллар, таҳлилларнинг якуний натижалари, ҳисботлардаги тавсиялар ва бошқалар билан танишиши зарур бўлса уларга мувофиқ коррекциялар килиши кутилган натижалар самарадорлигига гаровдир. Кузатишларимиз давомида режалаштириш жараёнини самарадолигини оширадиган қўйидаги жиҳатларни аниқладик. Улар:

1. Режалаштирувчи ҳар бир параллел синфларнинг ўкув дастури матери алини чукур ўрганиши; ўзлаштирилиши қийин машқлар техникасини ўргатишни сўнги синфларда ҳам давом этишини эътиборга олиб мавзуларни ўқитиш кетма-кетлигини, ҳаракатнинг техникасининг асосини тўлиқ ёки уни бўлакларга ажратиб ўргатиш(ўқитиш)ни алоҳида ёки қатор дарсларга, ўкув чорагига вазифа килиб белгилаши яши самара беради. Энг муҳими, ўкув дастури мазмунидаги машқларнингтехникаси асоси, звенолари ҳамда деталларини тўлиқ бажариш билан ёки уларни бўлакларга ажратиш методларини қўллаб ўқитишни режалаштиришни билиши, уларни синфма - синф тақсимлашдаги кетма-кетликка риоя қилишда хатога йўл қўймасли ги лозим.

<sup>2</sup> Абдуллаев А.“Жисмоний маданият назарияси ва методикаси” З- тўлд. нашри.”Poligraf Suptr Servis” Фарғона , 2021 й. 422 саҳ.

2. Машгулот (дарс) иштирокчилари (ўқувчилар)нинг таркиби, уларнинг сало матлиги ҳолати, назарий тайёргарлиги даражаси, жисмоний ва техник тайёргарлигини ҳисобга олиш билан тузилган ўкув режалари реал (хаққоний) тузилган деб қаралади. Қайд қилинган маълумотларни йиғиш режалаштирувчидан олдинги ўкув йилида тайёрланган хужжатларни тахлили - тиббий кўрик ва рақалари, ўкув чораклари якуний ва йиллик ҳисоботларини тахлил қилиш, ўқувчилар билан суҳбат натижалари янги режаларнинг ҳаётий-амалий чикишига ёрдам беради.
3. Мактабнинг жисмоний маданият ва спорт иншоотлари, анжомлари ва улар дан фойдаланиш учун мавжуд шарт-шароитни ҳисобга олиш режалаштириш ишини самарадорлигини оширади ва мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун чора-тадбирларини режалаштиришга имконият яратади.
4. Мактаб дирекцияси ва педагоглари жамоасининг мактаб жисмоний маданияти жараёнига муносабатини билиш учун мактабнинг жисмоний тарбиядан синфдан ташқари ишларнинг йиллик режаси ва мактаб директорининг умумий иш режаси билан танишилади.
5. Мактаб жойлашган музофатнинг релефи, иқлими, об-ҳавоси ўрганилади.
6. Вилоят ва туман спорт мусобақаларининг календар режалари билан танишиладива шу аснода мактабнинг оммавий спорт – соғломлаштириш ишларининг режаларини тузишга тайёргарлик кўрилади. Қайд қилинган мусобақаларнинг ўтка зилишининг тахминий муддатлари ҳақида маълумотлар тўплайди. “Умид ниҳоллари” мусобақаларининг биринчи ва иккинчи босқич мусобақаларини мактабда ўtkазиш, тайёрлаш, режалаштирилади.
7. Вилоят ва туманлари учун мамлакатимиз Президентининг 2020 йил 24 январидаги ПФ -5924 – сон фармони билан, Республика туман(шаҳар)ларининг устивор, истиқболдаги ривожлантирилиши режалаштирилган етакчи спорт турларини бўйича ўз мактабларида машғулотларни ташкиллашга етарли шароит яратиш, машғулотларини ташкиллашни жонлантиришни режалаштиради. Ўқитувчи мактабнинг ва шу музофат, ҳудуд ахолисининг миллий спорт анъаналарини ўрганади ва ундан режалар учун белгиланган мақсадни осон ҳал қилиш учун асосий маълумот тарзида фойдаланади. Хулосамиизда УТМ ларидаги ўкув ва жисмоний тарбиядан СТИ лар бўйича олиб бориладиган ишларни режалаштиришга мансуб технологик талабларни эътиборингизга

**Ҳавола қилдик :**

1. Режалар Республика ҳалқ таълими Вазирлиги ва бошқарув органларининг қарорлари, меъёрий хужжатлари, кўрсатмалари ва талабларининг мазмунига мос тушиши ҳамда уни ўзида акс эттириши; ДТСда турли материаллар ва сосида жисмоний тарбия тизимининг барча веноларида жисмоний тарбия жараёнинида ҳал қилинадиган аниқ мақсад ва вазифаларни режалаштириш режалар мамлакатимизда амалга оширилаётган жисмоний тарбиянинг умумий мақсади ва вазифаларига мостушиши ва Ўзбекистон ҳалқ таълими Вазирлигининг ўзбек тарзида талаблари асосида тузилишининг шартлиги талаби.
2. Режалаштиришда жисмоний тарбия жараёнининг умумий ва услубий принципларга амал қилиш, уларсиз режа лаштириш жараёнидан кўзланган мақсадни ҳал қилинадиган мусобақаларни юзага келиши ҳисобга олиниши; шахсни ҳартомонлама ривожлантириш, жисмоний тарбияни меҳнат ва ҳарбий амалиёти билан боғлашваунисоғломлаштириш гайўналтирилиши, шуғулланув чиларни ҳартомонлама жисмоний ривожлантирадиган воситаларини алоҳида эътибор билан танлаш, машғулотларни иложи борича очик ҳавода, табиий шароитда, қуёш нури, ҳаво ва сувдан табиатни соғломлаштирувчи кучларитарзидан самарали фойдаланишни режалаштириш талаби.
3. Режани мақсадга йўналтириб, ва истиқболини кўзлаб, аниқ, ҳал қилиниши мумкин бўлган вазифаларни белгилаш; маълум муддат (қатор дарсларга, чорак, ўкув йили)га мўлжаллаб тузилган режаларга таяниши ва уларда ҳал қилиб улгу рилемаган вазифаларни ҳал қилинши давом эттиришни режалаштириш асосий талаблари дандир. Шундагина тасодифий, эпизодик, бесамар дарсларга чек қўйи лади, режада белгиланган истиқболи сари дадил одимланади.
4. Режани аниқ амалга ошириш имкониятини ҳисобга олиш; амалга оширув чини кучига ярашалилиги, мактабдаги шарт-шароит, моддий техник база ва бошқа имкониятларни эътиборга

олиш; ўқитувчини ўз имкониятларига реал баҳо бера олиши, ўқув дастурида қайд килинган материалларни ўқитишда эришилган силжишни кўра билиши ва уни режалаштириш талабларига риоя қилиши.

5. Режаларнинг конкретлиги, реаллиги, ўқитишини аниқ босқичларга бўлин ганлиги, топшириклар ва уни ҳал қилишда танланган воситаларни самарадорлиги, кўп сонли машқлардан кераклигини танлаб режалаштира олиш орқали максимум педагогик натижага эришиш; машқларни кетма-кет бажаришда « таъсири кучли машқлар»ни содда машқлардан олдин ўрганишни режалаштирумаслик.
6. Режалаштириш амалиётда жадвал, чизма шаклидаги кўргазмали ифодалашларни қўллаш ва бошқа талабларга жавоб берилиши тақазо этилади.
7. Режалаштиришнинг технологияси бир неча, бирин-кетин амалга ошири ладиган операциялар сифатидаги ўқитувчининг назарий-амалий ижодий иши бўлиб, гоялар, услубий ечимларга принципиал ёндошишдан бошланади. Бу жиҳатлар бўлажак мутахассисга – талабага тахсил йиллари давридаёқ сингдирили ши мақсадга мувофиқлиги ҳозирги кун талаби деб ҳисоблаймиз.